



# ТОШКЕНТ



# ОЖШОМ

ШАҲАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЁСИЙ  
ГАЗЕТАСИ


Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 42 (9.234) 1999 йил 14 апрель, чоршанба Сотувда эркин нархда

## Бугун Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси ўз ишини бошлади



## ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Шу йил 31 март кунини мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Олий Мақтаб фанлари Халқаро Академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланган эди. Москвада жойлашган ушбу даргоҳнинг президенти Ислам Каримов мамлакатда илм-фан ва таълимни ривожлантириш соҳасидаги улкан хизматлари учун, хусусан, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида ушбу унвонга сазовор деб топган. 12 апрель кунини Халқаро Академия президенти В. Шукшунов Ислам Каримовга фахрий аъзолик дипломини тақдим этди.



Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги таълим соҳасида рўй берган ва бераётган улкан ўзгаришлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатига қузатилмайдиган. Япония, АҚШ, Канада сингари ривожланган давлатларда ҳам ялпи миллий маҳсулотнинг 4-

XXI аср бўсағасида ақлий салоҳиятнинг, таълим соҳасига сарф қилинаётган маблағларнинг аҳамиятини англаб олиш қийин эмас. Япония, Жанубий Корея мисоллари шунини кўрсатдики, таълим соҳасига ётқизилган сармоя орадан маълум вақт ўтгач, жуда салмоқли самара беради. Шу боис мамлакатимиз ҳукумати, янги Миллий Дастур ишлаб чиқиб, уни ҳаётга жорий қила бошлади. Ҳозир ишлаётганларидан ташқари яна мингдан ортиқ касб-хунар коллежи ва икки юздан зиёд академик лицейлар қуриш режалаштирилган. Уларда дарс бериш учун юзга яқин тармок бўйича қарийб эллик минг нафар муаллим тайёрлаш кўзда тутилган. Қолаверса, янги илм даргоҳларининг самардорлигини ошириш учун уларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш ишига халқаро молиявий ташкилотлар жалб этилмоқда.

Шу ўринда Президентимиз таъкидлаган бир омилига эътибор қаратишимиз лозим. Ҳеч бир мамлакатда бошланғич ёки ўрта таълим даргоҳини тугатган ўсмирларнинг қанчаси ўз ўрнини топиб кетаяпти, қанчаси бекор юргани жиддий таъдиқ этилмайди. Баҳоликани, улар онги, тафаккури, дунёқараши энди шаклланиётган ёшлардир. Уша пайтда улар очик денгиздаги кемага ўқшаб қолади — фойдали томонга бурилса, жамият ва давлат равнақи учун айна мудоа, аксинча бекорчилик туфайли қинғир йўлларга юрса, қони зарар бўлади. Эндликда мамлакатимизда бошланғич ёки ўрта таълимга эга бўлган ўсмирлар қамида битта касбнинг эгаси ҳам бўлади. Бу эса, шубҳасиз, ёшларимизнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Олий мақтаб фанлари Халқаро Академиясининг Дипломини тақдим қилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, В. Голишев, Т. Рискиев, Н. Жўраев, Бош вазир ўринбосари Х. Кароматов иштирок этди.

СУРАТДА: диплом топириш пайти. Абдувоҳид Тўраев олган сурат.

## Кучимиз — жипслигимизда ва қардошлигимизда

**КЕЧА**  
пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги Абдулла Қаҳҳор номи маҳаллада истиқомат қилувчи Нурмухамедовлар ва Тўраевларнинг оиласи бухоролик бунёдкорлар қўли билан бунёд этилган янги уйларишнинг қилинган олдидир.

Яқин келажакда Яққасарой туманидаги уй-жой ҳақларида бири янги рамзий ном — «Қардошлик» номи билан атала бошлайди.

Маълумки, Тошкентда содир этилган 16 февраль фожияли воқеалари оқибатида Яққасарой туманида жойлашган айрим бинолар ва турар жойлар ҳам қисман вайрона ҳолига келган эди. Ана шу воқеалардан сўнг ўтган кунда вақт мобайнида қурилиш ташкилотлари ва кўнгиллиларнинг кучи билан террорчилар ўчоқларидан бирига айлانган 8 та болалар боччаси, 6 та мактаб, «Дента-Аскар» тиш доволлаш поликлиникаси, бир неча маиший хизмат нукталари тасмирдан чиқарилиди.

Яққасарой тумани ҳокимининг ўринбосари Серикбой Усеновнинг айтишича, ана шу тумандаги қурилиш-тиклаш ишларига бугунги кунга келиб қарийб 200 миллион сўм ажратилди. Қўлаб корхона ва ташкилотлар беҳисаб мадд қўрсатдилар. Жабрланган оилаларнинг ҳар бирига «Қафолат» сурғур компанияси томонидан 20 миң сўмга маблағ ажратилди. Туманининг 17 та маҳал-

ла аҳолиси жабрланганларга салкам 170 миң сўм тўпладилар. «Тараққий» хайрия жағмараси томонидан ердан қўрсатиш мақсадида 6 миллион сўм ажратилди. Туман ҳокимлиги томонидан эса қисман бузилган уйлариш тиклаш учун қурилиш материаллари олишга ердан қўрсатиш мақсадида аҳолидан тушган 290 аризанинг ҳаммаси қондирилди. Ана шу мақсадлар учун 2,5 миллион сўм ажратилди. Хозирги пайтда Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳалланинг жабрланган оилалари уй-жойлари ниҳоятда сўнгги ишлар ниҳоятга етмоқда. Бу ишларда тошкентликлар билан бир қаторда республикамизнинг барча вилоятларидан ҳам қурувчилар иштирок этишмоқда. Жумладан, бухоролик қурувчилар иккита уйни бунёд этишга 14 миллион сўм сарфладилар. Хали қўриқда айтиб ўтганимиздек, «Бухороқурилиш» акциядорлик жамияти қурувчилари қўли билан бунёд этилган 2 та уй кеча тошкентлик оилаларга топширилди. Бухоро вилоятининг ҳокими Самовиддин Хусенов Нурмухамедовлар ва Тўраевлар оиласи соҳибларига ана шу уйларишнинг қилинган олдидир.

— Бизнинг тўрт нафар фарзандимиз бор, — деди Замира Нурмухамедова. — Ва биз ҳеч вақт бошланасиз қоламан деган ҳаёлга бормадик. Уша воқеа содир бўлганда аввалига ҳаммамиз бироз ўзимизни йўқотиб қўйдик, нима қилишни ҳам биймадик. Лекин ана шундай кезларда қўшнилари-

миз — маҳалладошларимиз бизларнинг ёнимизда бўлишди. Ким нимагаки қодир бўлса ҳамма ёрдани берди. Фақат бошланасиз қолганимиз учун эмас, балки шаҳримизда шундай фожияли воқеалар бўлганлиги, беғунох кишиларнинг террорчилар қурбони бўлганлиги ҳаммамизни чуқур қайғуга солди. Ана шундай оғир дамларда халқимизнинг дўстлиги ва олижаноблиги фазилатларини яна бир бор яқиндан ҳис этдик. Имкониятдан фойдаланиб мен бизнинг оиламизга, қўшниларибизга ана шундай оғир дамларда ердан берган ҳамма кишиларга ва албатта шундай қиройли, шинам ва қўлай уйни қуриб берганларга чин дилдан миннатдорчилик билдираман.

— Тошкент ўзининг кўп йиллик тарихи давомида бирор марта портлашнинг боисидан келмаган эди. Очиги қўла-қўлда кўни одамлар ҳаётга тажовуз қилиш, уларнинг уйлари вайронага келтириш каби нарсалар ҳаёлимизга келмаган эди, — деди Яққасарой тумани ҳокими Алишер Мирқосимов. — Албатта ҳаётдан бевақф кўз оingan беғунох ватандошларимизнинг ўрнини ҳеч нарса билан ўлдириб бўлмайди, бироқ биз уларнинг яқин қўшилари билан ёнма-ён бўлишимиз, республикамизда боисидан кечирган шундай фожияли қўнларни эслаб доимо оғох ва хушёр бўлишимиз, ҳаммани, айниқса ишларини ўз Ватанининг чин фидойилари бўлишга чақиримиз доркор. Бугун биз ушбу оилалар би-

дан қувончи дамларни бошимиздан кечирмоқдамиз. Қариндошлари ёки қўшилари бағридан ёхуд ётоқхоналардан вақтинча қўнган тошган бошқа оилалар ҳам шу яқин қўнларда янги уйларида уй-тўйларини ўтказишади.

— Бизнинг бухоролик қурувчилар шаънига қўпгина илиқ сўзалар айтилди, — деди Бухоро вилояти ҳокими Самовиддин Хусенов. — Бу албатта бизни айтмоқчиманки, ўз қардошларимизга, дўстларимизга, маҳалладошларимизга ердан қўлинни қўнмиш — ҳар бир ўзбекистонликка хос бўлган инсоний бурчдир. Тошкентликлар боисига тушган оғат ҳаммамизнинг офатимиздир. Шу боисдан қўлимиздан келган сарф-хароқатларни қилиб, ана шундай оғир қўнларни биргаликда енгишга қарор қилдик. Оталаримиз айтганидек, ана шу уйларида ҳар доим шодлик ҳукм сурсин, биз эса ана шундай тантаналарда доимо меҳмон бўлайлик.

Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳалладаги дастлабки уйларишнинг қилини топириш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаевон қатнашди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА,  
Хондамир СОЛИХОВ,  
СУРАТЛАРДА: Абдулла Қаҳҳор номидаги маҳаллада топиришган уй ва янги уй соҳиб-и — Тўраевлар оиласи.

Рашид Галиев олган суратлар.

Россиялик меҳмон дипломини топириш экан, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилган кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан бемисл экани, уни-

## 9 Май — Хотира ва Қадрлаш кунини



## ИНСОН — ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ

Пойтахтимизда жадал суръатларда бунёд этилаётган Хотира майдони ва Ёдгорлик мажмуаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «9 Майни Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳамшаҳарларимизнинг қалбларида фахр тўйгуларини жўш урдириб, диллардаги эзгу ниятларини тилларга кўчирди.

● Шавкат УСМОНОВ, ижарадаги Тошкент матбаа корхонаси касабаси уюшмаси раиси:

— Чиндан ҳам, ҳар бир инсон яшар экан, доимо ортга, тарихга назар солмасдан илоҳи йўқ. Чунки ўтмиш сабақларини англамай, тарихимизда миллатимиз раванкига, маънавиятимиз юксалишига муносиб хисса қўшганлардан ибрат олмайд туриб, келажакни бунёд этиб бўлмайди. Шунингдек, ҳар бир одам ўзининг ўтган аждодлари хотирасини доимо эсга олиб, уларнинг қадрини гоятда юксак тутайди.

Шу боис ҳам пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг марказида Хотира майдонининг бунёд этилиши ҳамда 9 Майнинг Хотира ва Қадрлаш кунини сифатида нишонланиши ҳамнинг кўнглидаги гап бўлди. Айниқса, Фармонда:

«...Хотира ва Қадрлаш кунининг умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши таъминлаш барча давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг, идора ва корхоналарнинг биринчи галдаги вазифаси, барча Ўзбекистон фуқароларининг орномус, виждон иши ва маънавий бурчи деб белгилансин», деган жумлалар корхонамизнинг ҳар бир аъзоси учун тегишли бўлиб, зиммамизга катта масъуляти юклайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки,

корхонамиз ўзига хос тарихга эга бўлиб, бу ерда ўз меҳнати билан унинг равнақига муносиб хисса қўшган меҳнат фахрийлари кўпчилигини ташкил этади. Улар орасида иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳам борлигидан, албатта, фахрланамиз. Жамоамизда уларга ҳаммаша ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, қилган меҳнатлари қадрини топиб келмоқда. Қандай тадбир уюштирмайлик, улар доимо дастурхонимиз тўрида бўлишади, ҳар бир байрам ва ҳайит қўнларидан албатта, уларга ердан пулларни, совғалар ажратамиз. Уйлариб бориб хабар олиш, кекса, таърибали ҳамкасбларимизнинг маслаҳатларига амал қилиш доимий одатга айланиб қолган.

Шу қўнларда эса бу йил биринчи бор нишонланадиган Хотира ва Қадрлаш умумхалқ байрамига алоҳида тайёрларлик кўрмоқдамиз. Ушбу кўнгда корхонамизда меҳнат қилган меҳнат ва уруш фахрийларини алоҳида эъзозлаш, айни вақтда ишлаётган кексаларимизни қадрлашга қалбимиздаги меҳр-муҳаббатимиз билан интиламиз. Ва ўтганларни чуқур эҳтиром билан хотирлаймиш, уларнинг оила аъзоларига ердан берамиш. Чунки ўзларидан яхши ният ва ёрқин из қолдирган одамлар ҳеч қачон унутилмайди.

● Абдурашул УМАРБЕКОВ, уруш қатнашчиси, Мирзо Улуғбек тумани:

— Насиб этса, 9 Май кунини шаҳримиз-

да қурилайтган Хотира майдонини зиярат қилиш, шаҳид кетган дўстларим хотираси олдида бош эгиш ниятим бор. Албатта, урушнинг дахшатларини ўз кўзим билан кўрган инсон сифатида, доимо «Фарзандларим шундай дорилмон қўнларнинг қадрига етсин», дея дуо қиламан. Чунки бу уруш неча-неча азамат йигитларимизнинг умрига зомин бўлиб, мунис оналаримизни уларнинг йўлларига нигорон этди, қанча-қанча фарзандларимизни ота меҳрига зор этганлигини унутиб бўладими?

Минг шукрлар бўлсинки, Мустақил мамлакатимизда, азиз йўлбўшимиз Ислам Каримовнинг раҳбарлигида бугун ҳар бир яхши иш ўз қадрини топмоқда.

Мана бу йил Хотира ва Қадрлаш кунини деб эълон қилинган 9 Майда уруш қатнашчилари ҳамда Ватанимиз раванки йўлида ўз хиссасини қўшиб қурбон бўлганлар хотирасини барча ёдга олади, шунинг қаторида кексаларимиз, ота-оналар алоҳида ҳурмат ва эътибор топмоқда. Зеро, қадр ва эъзоз топиш учун ҳам инсон шунга лойиқ бўлмоғи керак-да. Шу боис ҳам юртимиздаги бугунги тинчликнинг қадрига етиб, ҳар қим, айниқса, ёшларимиз унга ўзининг муносиб улушини қўшмоғи даркор.

Шарофат БАҲРОМОВА ёзиб олди.

«Чирчиққурилиш» хиссадорлик жамиятининг 307-механизациялашган кўча колонна бунёдкорлари уюшқоқлик билан иш олиб боришмоқда. Ушбу супермаркетларни Мустақиллик йилининг 8 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Дилноза ФИЁСОВА.



## ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида Қўра Хандустликнинг Давлатлараро авиация кўмитаси раиси Татьяна Анодина «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

● Кўчма Тожикистон Бош вазирини Яхё Азимов раҳбарлигидаги кўчма делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди. Ўзбекистон Бош вазирини Ўткир Султонов билан учрашувда ўзбек-тожик муносабатлари муҳокама этилди. Музокаралар якуни бўйича бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

● Кеча Вазирлар Маҳкамаси Иجتимойи мажмуининг шу йил биринчи қорғидаги фойлиятга бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

● Вазирлар Маҳкамаси Агротехника мажмуининг жорий йил биринчи қорғидаги қишлоқда иқтисодий ислохотларнинг бориши масалаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

● Тошкентда Жанубий Кореянинг «Самсунг электроник» фирмаси ижроти директори Чон Даг Джанг бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.

● Тошкент Давлат консерваториясида «Ассалом, Наврўз» деб аталувчи хор қўшиқларининг республика фестивали бўлиб ўтди.

● Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида ўтказилган кенгашда республика иқтисодиёти тармоқларининг 1998-1999 йиллардаги кузги-қишки даврдига ишлари ва 1999-2000 йиллардаги кузги-қишки мавсумга тайёрларлик бўйича тадбирлар муҳокама этилди.

● Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, маданият ва санъат арбоблари ҳамда журналистлар билан ҳамкорликда «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деб номланган ислохот жонқурлари ижодий гуруҳини ташкил этди.

● Вазирлар Маҳкамасида 29 апрелдан 31 майга Тошкентда бўладиган кураш бўйича Биринчи жаҳон чемпионатида тайёрларлик қилиш ва ўтказиш бўйича ташкилий кўмитанинг мажлиси бўлди.

● Навоий вилоятининг «Дори-дармон» акциядорлик жамиятида 22 номдаги энг зарур дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Ўзбекистон Академияси Бадий академиясининг Марказий кўргазма залда таниқли мусавив Лекин Иброҳимовнинг асарлари кўргазмаси очилди.

## ЖАҲОНДА

● Кеча Озарбайжон Президенти Хайдар Алиев Туркия асосчиси Мустафо Камол Отатур шарафига таъсис этилган Ийиллик тинчлик мукофоти билан тақдирланди. Ушбу мукофот шу йил 19 май кунини Анкарада ўтказиладиган расмий маросимда топирилади.

● Киргизистон Президенти Аскар Акаев расмий ташриф билан Ҳиндистонга жўнаб кетди. Унинг Ҳиндистон раҳбарияти билан ўтказадиган музокараларида ўрта Осий минтақаси ва умуман Осийдаги вазият ҳамда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари масалалари муҳокама қилинди.

● Кеча Польша Президенти Александр Квасьневский давлат ташриф билан Литвага келди. У республика раҳбарияти билан учрашди ва икки томонлама муносабатлар тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди.

● Франция Нигер билан ушбу мамлакатда харбий тўнтаврга амалга оширилганлиги боисидан ҳамкорликни тўхтатди.

● Буюк Британия Эрон билан дипломатия алоқаларини тўхлатишга тиклаш ва элчилар билан айирбошлашга қарор қилди.

● Ҳиндистон харбий-ҳаво қўчалари «Тришул-99» деб номланган кенг миқёсдаги харбий машқларини ўтказди. Унда 300 дан зиёд жамғовар самолёт ва вертолёт иштирок этди.

● Вьетнам Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган баёнотда маълум қилинишича, шу йилнинг 30 апрелида Ханойда Камбоджа АСЕАНга қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг АСЕАНга аъзо давлатлар сонини 10 тага етди.

● Зимбабве Россиядан харбий асқалар сотиб олиш ниятида. Зимбабве ҳукумати Россиядан ўнлаб «МИ-24» русумли харбий вертолёт ва бошқа қурол-яроқ сотиб олиш режасида.

● Россия Федерал хавфсизлик хизмати ходимлари турк айдоқчисининг Россия ҳудудидаги фойлиятга қеч қўйиш бўйича операция ўтказдилар. Улар 62 ёшли давлат Мехмет Бешкинни қўлга олдилар. Мехмет Бешкин турк разведкаси топиригини баҳарайтган эди.

● Сомалида Сомали миллий fronti етказчиси Али Нур Муҳаммад Мухтор қўқисдан уюштирилган ҳужум натижасида ҳалок бўлди.

● Ҳиндистон 2 миң километрдан зиёд қорғида ядро қаллақларини еткази оладиган «Агни-2» русумидаги ракета-ларини синовдан ўтказди.

● Жанубий Африка Республикаси Президенти Нелсон Мандела ва унинг рафиқаси Грасса Машел Мозамбик пойтахти — Мапутинда хашаматли қароргоҳ қуришни режалаштирдилар.

● Ўтган ҳафта охириларида Бангладешнинг жанубий ҳудудларида қўли тўфон юз бериши натижасида 12 киши ҳалок бўлган, юздан зиёд киши жароҳатланган, 54 киши эса бедарак йўқолган.

● Франция кинорежиссори Клод Лелюш тижорат ишлари билан шуғулланишга киришди. У Исроилнинг Негев чўлида «Минг бир кеча» эртақлари руҳига ҳамоҳан бўлган хашаматли меҳмонхона қурмоқда. У ерда турк ҳаммомлари, боғлари, каналлари, обсерватория ва кутубхона бўлади. Меҳмонхонага фақат туяларга миниб бориш мумкин бўлади.

## Қурилиш

Афросиёб шохқўчаси қайта таъмирланди, транспорт қатнови ва аҳоли учун қўлайликлар яратилмоқда.

Бугунги кунда эса ана шу кўча кўрғига кўрк қўиши ниятида турли фирма ва қўша корхоналарнинг супермаркет-

## ИШ СУРЪАТИ ОШМОҚДА

кетлари қурилиши қизгин давом этмоқда. Шохқўчада қад ростлаётган 16 та замонавий супермаркетлар «Ўзбексервис», «МБМ», «Бешёғоч», «Машкомплектсервис» фирмалари, «Тошвиолтавс» корхонаси ҳамда «Баракат ЛТД» хусусий корхонаси ва бошқа фирмалар буюртмалари асосида қурилмоқда.

«Баракат ЛТД» хусусий корхонаси ва «МБМ» фирмаси буюртмасига кўра қурилайтган супермаркетларда

Қуръа теннис клуби маъмурияти биносида 16 апрель эрталаб соат 8.45 да ташланади. Мусобақада қатнашишни истаган барча журналистлар «Теннис+» газетасига олдиндан буюртма беришларини сўраймиш. Эслатам: бахслар яқна ва жуфтликлар тартибидан уюштирилади.

Ташкилий кўмита.

Саноат

# БУЮРТМАЧИЛАР СЕНИ ОРТМОҚДА

**Бектемир туманида халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўп қисми шундан бири кишлоқ ва сув хўжалиги вазирига қарашли «Сув-маш» корхонасидир.**

Бугунги кунда ушбу корхона ишчилари томонидан тайёрланаётган маҳсулотларни республикамизнинг барча вилоятларида учратиш мумкин. Улар жумласига турли-туман агрегатлар, кишлоқ хўжалигида ишлатиладиган насос ва машиналар, элтиб қисмлар, электр двигател ва юқори кучли трансформаторларни киритиш мумкин. Шунингдек, корхонада насос конструкциялари устида ҳам тадқиқот ишлари олиб борилади. Бу изланишлар ҳам корхона учун сезиларли даражада самара келтирмоқда. Ихтирочи-

лар тақлифи асосида кам ҳарajat билан тайёрланаётган янги насос турларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Шу туфайли буюртмачилар сени йил сайин кўпайпти.

— Бизда сифат учун кураш биринчи ўринда туради. Чунки жамоамиз томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар харидорлар талабини қондираганига корхона иқтисодий жиҳатдан фойда кўради, — дейди корхона директори И. А. Прокофьев. — Бундан бири неча йиллар олдин корхона танг ҳолатга тушиб қолган эди. Тахлиллар бир қатор маҳсулотларимиз замон талабига жавоб



да нишонланган Наврўз байрами тантаналарини айтиб ўтиш мумкин. Шу кун камтарона дастурхон атрофида ишчиларга, меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчиларига турли-туман совғалар топширди. Аёллар

йили муносабати билан 200 та хотин-қизга 3000 сўмдан пул мукофоти берилди. Мана шу кичик эътибор ҳам корхонамиз ахлининг меҳнатга бўлган ишתיқини кўчатириди.

СУРАТДА: меҳнат илғорларидан Аббос Мухамедовни иш устида кўриб турибсиз. Усмон Усмонов олган сурат.

Махдум ОРИПОВ.

## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддаси: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касбага уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч қим камситиши мумкин эмас».

Конституциямизнинг маъмур моддаси «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида» ҳар бир инсон уюшмалар тузиш ҳуқуқига эгадир» (20-модда) деб белгиланган демократик қоидага, шунингдек, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт»нинг ҳар бир инсон бошқалар билан биргаликда уюшмалар тузиш эркинлигига, шу жумладан касбага уюшмалар тузиш ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ана шу уюшмаларга кириш ҳуқуқига эгадир» деб ўрнатилган халқаро ҳуқуқ талабларига тўлиқ мос тушади.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилиши мақсадларига мувофиқ фуқаролар турли хилдаги касбага уюшмаларига, сиёсий партияларга, кўнглили жамиятларга, ижодий уюшмаларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқароларнинг бундай ҳуқуқи Конституция асосида

### Конституция яшамоқда ва амал қилмоқда



## ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА БИРЛАШИШ ҲУҚУҚИ

қабул қилинган бошқа махсус қонунлар билан ҳам кафолатланади. Масалан, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари» тўғрисидаги Қонун, 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун ва бошқалар ана шундай қонунлар жумласидандир. Шунингдек, бугун очилган Олий Мажлиснинг 14-сессиясида кенг муҳокама қилинаётган «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам айнан фуқароларнинг ушбу ҳуқуқининг амалда таъминлишига қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Касбага уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда мамлакатимиздаги бу энг оммавий жамоат ташкилотининг ҳуқуқий мақоми белгиланган берилган.

Ўзбекистон касбага уюшмалари турли касб эгалари бўлган меҳнатқашларни жинси, диний эътиқоди, irqи, миллатидан қатъи назар ихтиёрли бирлаштирувчи мустақил оммавий жамоат ташкилотидир. Конституциямизнинг 59-моддасида кўрсатилганидек, «Касбага уюшмалари ҳодимларнинг ихтиомий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар».

Конституцияда жамиятимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Шунга қўра, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда расман 5 та сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Булар: Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП), Ўзбекистон Ватан тараққиёти партияси (ВТП), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (СДП), Ўзбекистон Миллий тиклаш демократик партияси (МТДП) ва «Фидокорлар» миллий-демократик партияси (ФМДП) дир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, сиёсий партиялар фуқароларнинг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар мунозаралиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўйбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнглили бирлашмаларидир. Қонунга биноан, сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хохиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрли равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларнинг тенг ҳуқуқлиги, ўзини-ўзи бошқариш, қонийлиги ва ошқоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Асосий Қонунимизда ихтиомий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилган. Ҳеч қайси мафқура давлат мафқураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу Конституциявий қоида Президент Ислам Каримов кўрсатганидек, бизнинг олдимиизга миллий истиқлол мафқурасини яратиш вазифини қўяди.

Миллий истиқлол мафқураси, деб таъкидлайди Юртбошимиз, халқимизнинг азалий аъноналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга синдиришга хизмат қилиши лозимлигини ҳеч қачон унутмайлик. Унда жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, аҳоли турли табақаларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидлари ўз ифодасини топтомоги лозим. У давлатимиз фуқароларини улғ мақсад йўлида қалбон бирлаштиришга кўмаклашиши керак.

Умуман, жамоат бирлашмалари ҳақида Конституциянинг XIII бобида, яъни 56, 62-моддаларида асосий қоидалар ўрнатилган бўлиб, биз булар ҳақида кейинроқ алоҳида тўхтаб ўтамиз.

Конституциянинг 34-моддасида эътироф этилганидек, фуқаролар оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Маълумки, 1995 йил июнда Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати тузилиб, унинг устувор мақсади кўп миллатли халқимизнинг бирлигини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўла-тўлиқ амалга ошириш ва фуқаролик, ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришдан иборат қилиб белгиланган.

Мамлакатимизда демократик жараёнларнинг чуқурлашиши, бир мафқура яқка ҳокимиятнинг тутатилиши натижасида кўппартиявийлик, сиёсий фикрлар хилма-хиллигининг юзага келиши ҳеч шубҳа йўқки, фуқароларнинг ушбу моддада белгиланган ҳуқуқларини янада мустаҳкам кафолатлайди.

Шундай қилиб, Конституциямизда фуқароларнинг жамоат ташкилотларига бирлашиш ҳуқуқининг кафолатлини давлатимизнинг эркин демократик жамият сари дадил қадамларидан бири ҳисобланади.

Хайдарали МУҲАМЕДОВ,  
Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси.

### «Ўқшолоқхўжалик маш холдинг» компаниясига қарашли «Тошкент агрегат заводи» ҳиссадорлик жамияти бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамай харидорсиз машина ва дастгоҳлар ишлаб чиқаришга интилоқда. Биз яқинда ушбу корхонада бўлиб, унинг раиси Эриқ Владимирович Тен билан суҳбатлашдик.

— Корхонамиз асосан кооперация бўйича ишлайди, — дейди бизга Э. В. Тен. — Республикамиз ҳудудидеда ишлаётган барча турдаги кишлоқ хўжалик ва пахта теришга оид машиналар учун редукторлар ишлаб чиқарамиз. Корхонада чет мамлакатлар билан ҳамкорлик тобора кенг кўлач ёймоқда. Бунинг исботи сифатида 1997 йили Украинанинг Киров шаҳридаги «Лепсо» заводи билан

### Ақмак Икромов туман ҳокимлиги назорат инспекциясида ҳозирги кунда 100 дан ортиқ ҳукумат хужжатлари назоратда бўлиб, уларнинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ташкил этилишини таъминлаш борасида иш олиб борилаётган.

Туман ҳокими томонидан тасдиқланган 1999 йил иш йўналишига асосан назорат инспекцияси январь ойидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 20 августдаги Ф-655-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг назорат инспекцияси ва унинг жойлардаги бўлиналари тўғрисида»ги Низомининг 6/4 бандидаги «Фуқаролардан тушган хат ва аризаларни ўрганиш, туман назорат инспекциясининг 1998 йил давомидеда қабул қилган қарорларининг бажарилишини, туман ҳокимининг 1998 йил 22 декабрда 141-рақам билан қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорлари бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, ҳокимлик бўлими, бошқармалари ҳамда корхона, ташкилот ва муассасалардан бу борадаги аборотларни олиш тартибин тақомиллаштириш, меъриий ҳужжатларнинг назоратини ташкил қилиш ҳақидаги фармойишини ва кейинчалик назоратга олинган Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирла-

ри тўғрисида»ги қарори ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида аниқланган ҳато ва камчиликлар ҳокимликнинг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди. Айбдор 13 та шахсга, шундан 6 та мансабдор шахсга нисбатан маъмурий чоралар қўрилди. 1 та мансабдор шахс ишдан озод этилди ва 1 та мансабдор шахс мансабидан пасайтирилди.

75-сонли қарорларига ва назорат инспекциясининг Низомига мувофиқ олиб борилаётган.

Туман назорат инспекцияси 1999 йилнинг 1-чорагида юқоридега ҳукумат хужжатларини ўрганишдан ташқари қуйдаги масалаларга эътиборни қаратди.

Февраль-март ойларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларни иж-

радорнинг бажарилишини,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 12 июндаги 1789-сонли «Тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз марказлари қўлланилишини тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги 604-сонли «Республикада савдон тартибига солиш тўғрисида»ги ва 1998 йил 4 сентябрдаги 378-сонли «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг бажарилишини ўрганиб чиқди.

Ушбу ҳужжатларнинг бажарилишида йўл қўйилган камчиликлар юзасидан 50 га яқин шахсга нисбатан чоралар қўрилди. Бир неча ҳужжат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига қонун бўйича чора қўриш учун тақдим этилди ва 200 минг сўмга яқин маблағ давлат бюджетга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармонлари, Фармойишлари ва уларга мувофиқ қабул қилинган ҳукумат хужжатларининг бажарилишини таъсирчан назорат қилиш назорат инспекциясининг асосий вазифаси бўлиб, бу борада амалда бажарилаётган ишларга жавобгарликнинг ҳис этган ҳолда ёндошишга, ҳукумат хужжатларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлашга, ижро интизомини мустаҳкамлашга янада жиддий эътиборин қаратади.

Олим СОДИҚҲУЖАЕВ,  
Ақмак Икромов тумани ҳокими ўринбосари, назорат инспекцияси раҳбари.

### Ҳамкорлик ЖАҲОН ДАРАЖАСИДА

ҳамкорликда олиб борган ишимизни кўрсатиш мумкин. Лекин афсуски, ушбу қўшма корхона билан ҳамкорликдаги фаолиятимиз яхши самара бермади. Ҳамда биз «КВФ» 3,4 маркали 200 дона роторли культиваторлар ишлаб чиқариб, уларни иш жараёнида синовдан ўтказган эдик. Натижа кўнглидагидек бўлмагандан кейин ўтган йили Европадаги асосий ишлаб чиқаришлардан бири бўлган Олмониянинг машҳур «Лемкен» фирмаси билан узок муддатга мўлжалланган ҳамкорлик учун ҳужжатлар имзоладик. Бу битим бир неча ишлаб чиқариш босқичини ўз ичига олади.

Биринчи босқичда биз тайёр қилинган қисмларни Олмониядан келтириб, ундан фойдаланган ҳолда машиналар тайёрлашни режалаштириб олгандик. Иккинчи босқичда эса ишлаб чиқариш учун зарур бўлган айрим қисмларни ўзимизда тайёрлаб, ўрнатишга келишдик. Бу ишда «Лемкен» фирмаси бизга техник жараёнлар учун зарур бўлган ҳужжатларни бепул тақдим этадиган бўлди. Учинчи босқич режасига кўра биз ҳамкор фирма билан қўшма корхона очилиши мўлжалланган.

Ҳозир корхонада биринчи босқичга оид ишлар бошлаб юборилди. Ҳамкор фирманинг «Циркон» роторли культиваторлари синовдан муваффақиятли ўтди. Ушбу машиналардан 150 тасини тайёрлаш учун зарур бўлган механизмларга буюртма берганмиз. Фақат бугина эмас, шу фирманинг «Топаз 140/5» моделдаги ерни юмшатиш учун ишлатиладиган тажриба нусха машинаси ҳам синовдан ўтмоқда. Шунингдек, яна бир чет эл фирмаси билан пресархилловчи ва роторли ўроқ машинаси устида синов шартномасини туздик.

Корхонамиз аъзолари «Лемкен» фирмаси билан ҳамкорликда роторли культиватор машиналаридан 25 тасини ишлаб чиқаришга юбориш учун тайёрлаб қўйишди. Шунингдек, ерни юмшатадиган механизмлар учун ҳам тайёр қисмлар келтирила бошланди. Бу машинанинг афзаллиги шундаки, 90 от кучига эга бўлган ушбу техника ерни юмшатиш билан бир пайтда культиваторни ҳам ишлата олади. Натижада ҳосили йиғиб-териб олинган далаларни энг кам вақт ва маблағ сарфлаб, табиий ҳолатини яхшилаб, экишга тайёрлайди. Айниқса, бу усул чигитни плёнка остига экишда жуда қўл келади.

Ишончимиз қимлики, янги техникаларимиз жаҳон андозаларидан қилинмайдиган даражада ишлаб чиқарилади.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.

### Назорат ЖАВОБГАРЛИКНИ ҲИС ЭТИБ

Туман назорат инспекцияси ҳукумат хужжатлари билан ишлаш, назорат олиш ва бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳоким ўринбосарлари мажмуаларида, маҳалла оқсоқоллари кенгашида туман ҳокими томонидан тасдиқланган ҳужжатга асосан 8 мартта семинар-кенгашлар ўтказди.

Бундан ташқари назоратга олинган ҳукумат хужжатларининг рўйхати ҳоким ўринбосарларига, бўлим ва бўлимларига тақдим этилди.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш ишлари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 1999 йил 26 январдаги 46-сонли ҳамда туман ҳокимининг 1999 йил 29 январдаги

тимой ҳимоялашга оид тадбирлар тўғрисидаги 1994 йил 23 августдаги Фармони ва 1998 йил 8 апрелдаги 147-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажарилишини;

Туман ҳокимининг топшириғига асосан, туман аҳолисини газ билан таъминлаш ва ундан тўғри фойдаланиш масаласини;

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг топшириғига асосан «Тошкент шаҳри бўйича Давлат дастурига қиратишган хоржий инвестиция лойиҳаларини ва уларда Ўзбекистон Республикасини Президентини Фармонларининг бажарилиши бориши тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасининг нақд пул эмиссиясини қисқартириш борасидаги ҳамда ижро интизомига риоя қили-

си эса ҳусусий турар жой биноларидаги ўзбошимча ноқонуний қурилышларди. Ҳозиргача уларнинг 1013 таси вазиятни тўғри баҳолаган, шу қурилышларни содир этган шахслар кўрсатаётган комиссияларнинг қучи билан бузиб ташланганлиги ҳақида маълумотга эгамиз.

Бундан ташқари, айрим ҳолларда рейд чиқишлари ҳам ўтказамиз. Ундан қўзланган асосий мақсадимиз эса лойиҳа институтлари томонидан ишлаб чиқилган ва меъморий кенгаш томонидан тасдиқланган объектлар ёнида пайдо бўлаётган ўзбошимча янги қурилышларни аниқлашдан иборатдир. Айрим ҳолларда объектларнинг қўлдан-қўлга ўтиши, олди-сотди қилиниши муносабати

ўзбошимчалик билан қурилган объектларга аниқ мисоллар келтири оламизми?

— Албатта, шахримиз туманлардаги меъморчилик ва шаҳар қурилиши қоидаларини ҳужатлардан ҳеч қандай лойиҳа рўйхатларисиз қурилган қурилышлар аниқланди ва назоратта олини ҳамда белгиланган берилган муҳлат асосида улар бузиб ташланди. Бунга мисол қилиб Мирзо Улуғбек тумани «Қорасув-6» даҳасидаги 196-ўй, 129-хонадон, Собир Раҳимов тумани «Б-1» 67 «а-ўй», 29-хонадон, Сергели тумани 8-даха 19-ўй, 20-хонадон, «Сергели-8» 4-ўй, 37-хонадон, Ҳамза тумани «Ғалабабинг 40 йиллиги» даҳаси 144-ўй, 26-хонадон, Шайхонтоҳур тумани «М-27» 2-ўй, 1-хонадон эгалари томонидан содир этилган ўзбошимча қурилышларни келтириб ўтиш лозим. Лекин шуниси қувонарликки, улар ўз хатоларини вақтида англаб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишди.

— Шундай ишлар амалга оширилаётганга қарамай шахримизда ҳамон ўзбошимча қурилышларни авж олдираётган қисмлар учраб турибди...

— Лекин улар шуни унутмасликларни кераки, ўзбошимчалик билан амалга оширилган ишлар фақат ортиқча ташвиш олиб келади, Чунки улар бугунги, эртани барибир назоратга олиниб, бартараф этилиши турган гап. Ҳодимларимиз шахримиз туманларининг меъморлари ҳамда туманда тузилган комиссия аъзолари билан ҳамкорликда ушбу йилда бажарилиши лозим бўлган ишларнинг аниқ режасига эга.

Бузув канални бўйлаб сангтар химоа чизиги устига ўтиб кетган турар жойларни ва бошқа хилдаги объектлар ҳамда шаҳар бош режаси асосида таъмирлашга мўлжалланган ҳудудларда ўзбошимча қурилышлар назоратга олиниб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари қилилаётгани ҳам режа асосида ишлаётганини самарасидир. Уларни амалга оширишда биз Адлия вазирлиги, шаҳар ҳамда туман ҳокимликларидеги комиссияларнинг кўмағига таянамиз.


Олдимиизга қўйилган вазифалар гоат масъулятият эканлигини ҳис қилган ҳолда уюшқоқлик ва синчковлик билан иш юритмоғимиз даркорлигини инспекциямизнинг ҳар бир ҳодими чуқур англайди. Ноқонуний ва ўзбошимча қурилышларни бартараф этишга давлат микёсида эътибор қаратилганини ҳисобга олиб, пойтахтимиз аҳолисига яна бир бор эслатиб ўтмоқчимизки, ноқонуний қурилышлар, албатта бузиб ташланади. Шу боис ҳам шахримиз кўрғина, бунёд этилган уйлар ташқи қурилишига, қўчаларининг чироғига ўзбошимчалик билан ортиқча сарф-ҳаражатлар эвазига путур етказмаслигимиз лозим.

Сўхбатдош Шарифа ИЛЕСОВА.

СУРАТДА: кўп қаватли уйлар ёнига ўзбошимчалик билан қурилган ноқонуний қурилиш.

### Шаҳар хўжалиги мавзуда

## ЎЗБОШИМЧА ҚУРИЛИШЛАР



ралда шаҳар ҳокимлигида ўтказилган мажлис баённомаси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 1999 йил 12 февралдаги 86-сонли қарори ишчимизни тўғри ташкил этишда, асосий йўналишларни белгилаб олишда муҳим қўлланма бўлди.

Шунингдек, пойтахтимиз туманларида ҳам ўзбошимча қурилышларни бартараф этуви комиссия фаолият қўриб, унга туман ҳокимлари бошчилик қилмоқда. Бу комиссия ўзлар амалга оширган ишлар ҳақида шаҳар комиссияси олдида ҳисоб бери боради.

— Ушбу кунгача амалга оширилган ишлар юзасида нималар дея оламиз?

— Шу кунга қадар жамоамиз ҳодимлари туманларда тузилган комиссия билан ҳамкорликда 4728 та объектнинг назоратга олган бўлиб, уларнинг 3959 таси кўп қаватли турар жой биноларига қилинган қўшимча қурилышлар, 664 та савдо шохобчалари ва бекатларда, 105 та

билан бошлангич эгаллик ҳужжатларини сақлаб қолишга эътибор қамайди кетмоқда. Асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланган Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори нусхаси ва бошқа меъморчилик бошқармаларида тасдиқланган лойиҳаларга объект эгалари томонидан катта эътибор берилиши кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Пойтахтимизнинг марказий қўчалари бўйлаб ана шундай рейдлар ўтказди. У ерларда аниқланган камчиликлар юзасидан тўпланаётган материаллар яқин кунларда ўз натижасини беради.

Шунингдек, шаҳар ҳудудидеда жойлашган кўприклар, ер ости ўтиши йўлақлари, метро бекатлари яқиндаги савдо ва маъмурий хизмат кўрсатиш шохобчаларининг қурилиш меъморларини Тошкент шаҳар бош меъморчилик бошқармаси билан ҳамкорликда, туман ҳокимлиги вакиллари иштирокида қайта кўриб чиқиши ишлари давом этмоқда.

— Ана шундай ноқонуний ва



